

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 1 апрель Чоршанба. № 25 (144118)

Семинардан кейинги ўйлар ИҚТИСОДИЁТ ВА МАТБУОТ

Илгари хабар қилганимиздек, 27-28 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш" мавзuida семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Куйида шу мавзудаги мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ўзбекистон ўз истиқлолини мустақамлаш йулида иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини ортқча таъкидлашга ҳолат бўлмаса керак. Президентимиз асарларида бу ислохотларнинг барча қирралари ёритиб берилмоқда. Модомики, ҳозирги босқичда одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича қарашлардан ҳоли қилиш гоёт муҳим вазифа сифатида белгиланган экан, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳидадир. Зотан, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир босқичда тафаккуримизни устириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузуннинг афзаллигига ишонтирибгина ислохотларни охиригача амалга ошира оламиз, иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга булган жамиятнинг қура оламиз.

Шу нуқтаи назардан газеталарни варақласак, радио-телевидение эшиттиришларини тинглаб, курсатувларга нигоҳ ташласак, беихтиёр шундай савол тугилади: "Хўш, биз одамларни янгича турмуш афзаллигига ишонтира олаёلمизми? Сўзининг сеҳрли қудратини буюк мақсад сари йўналтира олаёلمизми?" Шубҳасиз, ишимизда ижобий силжишлар бор. Эндилда иқтисодий мавзудаги мақолаларда таҳлил устиворлиги, нуқсонлар илдизини очишга интилиш оддий ҳолга айланмоқда. Масалан, "Бухоро ҳақиқати" саҳифаларида "Журналист текшируви" рўқнида турқум мақолаларда янгича ёндашиш, ташаббускорлик қирралари намойиш бўлмоқда. Газета муҳбири Саид Бурхоннинг "Қалбаки сариёғ" машмашаси" (21 февраль) сарлавҳали мақоласида эскирган маргарин ёғини Голландиядан келтирилган сариёғ деб сотишгани, бунинг учун кимлар айбдор эканлиги ҳолис текширув натижасида аниқланади. Кўпчилик кизиқиб ўқийдиган бундай мақолаларни бошқа газеталардан ҳам келтиришимиз мумкин.

Лекин иқтисодий ислохотларнинг боришини ёритишга бағишланган аксарият мақолалар газетхонни узиға торتماйди, зерикарли, нуқул далил ва рақамлар қайдидан иборат бўлиб қолган. Бирор жамоа, туман ёки корхона иқтисодий ҳаётига бағишланган мақолалар кўп ҳолларда бир қолипда ёзилаётгандай. Дастлаб йил якунлари санаб чиқилади, утган йил Инсон манфаатлари йили булганлиги таъкидланади, жорий йил Оила йили эканлиги айтилиб, амалга оширилаётган ишлар, режалар ҳақида гапирилади. Борди-ю, булар ҳам камлик қилгандай бўлса, уша жамоа раҳбари элга қайишган, жонқуяр инсон сифатида мадҳ этилади. Шундай қабилда ёзилган мақолаи нафақат кенг газетхон оммаси ёки журналистнинг ўзи, ҳатто, уша мақола қаҳрамонлари ҳам кизиқиб ўқишмайди. Чунки у ҳисси, ҳаяжонсиз, мунаққидлар ибораси билан айтганда, қалб призмасидан ўтказиб ёзилмаган.


Журналист бирор мавзунини кўпчилик ихтиёрига ҳавола этиш учун, аввало, ўзи уша соҳанинг паст-баландини яхшилаб англаб олиши керак. Бунинг учун таҳририятларда ишловчи ижодкорларнинг муайян соҳага ихти-

сослашини жуда муҳимдир. Биз иқтисодий мавзуда қалам тебратувчи анча-мунча журналистларни биламиз. Асосий нашрларнинг вилоятлардаги муҳбирлари ҳам иқтисодиётнинг долзарб мавзуларида ёзадилар. Виложларда бу соҳада қалам тебратувчи ҳамкасбларимиз қанча! Улар биргаликда катта даврани ташкил этадилар. Наҳотки, шунча журналистни уйлантираётган мавзулар ҳаётимизда топилмаса?! Бир жиҳатдан саволни бундай таҳлилда қуйишнинг ўзи мантқиққа зид. Иқтисодиётимиздаги энг долзарб, биринчи навбатда ҳал қилиниши керак булган масалаларни Президентимиз ўзлари аниқ-тиниқ айтиб бераётганлар.

Бизнингча, қуруқ рақамларни қайд қилган мақолалардан қура иқтисодий якунлар кенг қамров билан таққослаб таҳлил этилса, яхши самара беради. Республика курсаткичлари МДХ давлатлари билан, виложлар бошқа виложлар билан, туманлар шундай шароитдаги туманлар билан солиштириб таҳлил қилинса, ислохотимиз олимлари янада яққол ҳис этилган, тор доирада ўралашиб қолмаган булардик. Ёки бўлмаса шартнома интими масаласини олайлик. Вазирилар Маҳкамасида 25 февраль кунги мажлисда Юртбошимиз айтган шундай дедилар: "Иқтисодиётда, биринчи навбатда агросаноат мажмуида шартнома тизими ишламаётгани, субьектларнинг шартнома мажбуриятларини бажармагани учун етарли масъулият сезмаётганини тапиравериб чарчалдик". Қўлимизни кўксимизга қуйиб айтилайлик, қайси газета шу талабни қойилатиб бажарди? Асосан қилинган ишлар ҳисоботи (аниқроғи, бизни ишламаяпти деманг, ишлаймиз)дан иборат мақолалар у газетадан бу газетга кўчиб юраверади. Масалан, нуфузли газеталаримиздан бирининг шу йил 12 март сониди Адлия вазири билан "Шартномавий муносабатларда масъулият – давр талаби" сарлавҳали ЎЗА муҳбирининг суҳбати эълон қилинди. Шу мақоланинг русча мўқоби 24 март сониди чиқди. Гап бу ерда битта мақоланинг 12 кунлик фарқ билан чоп этилишида эмас. Аввало, сарлавҳага эътибор қилинг: "Шартномавий муносабатларда масъулият – давр талаби". "Давр талаби" деган ибораси сизга эски замон руҳини эслатмаяптими? "Давр талаби" сўзининг олдига яна қанчадан-қанча мавзуларни қуйиш мумкин? Нима, бошқа жабҳаларда масъулият булишини давр талаб қилмаяптими? Шундай катта ҳажмда суҳбат бергандан қура битта-иккита корхоналардаги шартномаларни олиб, унинг бандларини таҳлил қилиб, хато-камчилиги курсатилиб, рисоладагидек шартнома қандай булиши кераклиги газетхонга тўшунтирилса, фойдали бўлмасми? "Шаф-шаф" дегунча "шафтоли дегин" деган нақл бор. Бутунги газетхон умумий, назарий гапларни эмас, уша мавзуга бевосита дахлдор булган аниқ таҳлилни маъқул қуради. Мана, "Хоразм ҳақиқати" муҳбири С. Нодирматов шу йил 2 февраль сониди "Жамоа шартномаси – ҳимоя қафолати" мақоласида вилож корхоналарида шартнома билан ишлашдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида тушунарли ва лунда ҳикоя қилган.

(Давоми 2-бетда).

АЪЛО НАТИЖАЛАР



Тошкентда Республика ўқувчиларининг олимпиадаси бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки ушбу билимлар беллашувида ёшлар ўзларининг иқтидори, зукколигини яна бир марта намойиш этдилар. Айниқса, ижтимоий фанлар, аниқ фанлар, чет тили буйича анча

Тургун Азларовдан урганган.

Ўқишдан буш вақтда эса 605-боғчада жажжиларга компьютерда тиллашини ургатади.

Чилонзор туманидаги 103-гимназия ўқувчиси Нилуфар Нурушова эса ўзбек тили ва адабиёти фанидан голиб деб топилди.

Бугун таълим тизимида се-

Иқтидорлилар – юрт бахти

юқори муваффақиятларга эришганлари маълум булди. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги мактабда таълим олаётган Нарғиза Омонова немис тилидан утказилган синовда 100 бални қулга киритди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ўқувчилар уртасидаги энг юқори курсаткичдир.

Замонавий компьютер технологияси ва информатика асослари фани буйича Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб 11-синф ўқувчиси Акромхужа Азларов 98 балл тушлаб, биринчи уринни эгаллади. У компьютер техникаси сир-асрорларини отаси

зиларли ўзгаришлар булмоқда. Қадрлар тайёрлаш буйича Миллий Дастурнинг амалга оширилишида ҳам ана шундай олимпиадаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Қолаверса, жойлардаги айрим намунали мактабларнинг ўқув-тарбия услуби республика буйлаб кенг миқёсда ёйиш мақсадга мувофиқдир.

Назокат УСМОНОВА

Суратларда: Компьютер асослари буйича юқори курсаткични қулга киритган А.Азларовни отаси қутламоқда. Ўзбек тили ва адабиёти фанидан голиб булган Нилуфар Нурушованинг қувончи чексиз.

Сураткаш: Равиль Альбеков

Ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Аҳмад ал-Фаргоний

хассислар, талабалар, пойтахтимиздаги Миср маданий маркази, шунингдек, Тошкентдаги хорижий дипломатик корпус вакилла-

ИЛМИЙ АНЖУМАН

таваллудининг 1200 йиллиги олдидан илмий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳамда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда олимлар, мута-

ри иштирок этди.

Анжуманда жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим Аҳмад ал-Фаргонийнинг ҳаёт йули, илмий мероси ва унинг ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳақида маърузалар тингланди.

Анжуманда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мамлұх Шавқий иштирок этди. (ЎЗА)

Шу сонга хабар ИСТИҚБОЛ ТЕХНИКАЛАРИ

Фаргона шаҳрида Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган "Инновацион технологик ривожланиш ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари тизимини яратиш муаммолари ҳамда истиқболлари" мавзuida анжуман бўлиб ўтди. Унинг очилишида Фаргона Политехника институти ректори Р.Тожиёвнинг "Умуммуҳандислик тараққиётида Аҳмад ал-Фаргонийнинг тутган ўрни" маърузасини кўпчилик қизгин кутиб олди. Бу фикрни Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари буйича маслаҳатчиси Жил Отъе ҳам тасдиқлади. Анжуманда Париждаги Пьер ва Мари Кюри номли университети геотектоника департаменти директори профессор Никос Дибериснинг маърузаси ҳам талабалар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Шу университетнинг электротехника департаменти директори, профессор Жорж Алькзи "Электротехника ва унинг асбоб-созлик ҳамда телекоммуникациялардаги аҳамияти" мавзuidaги маърузаси халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида электротехника, янги информацион технологияларни қулланда сўнгги вақтларда эришилган муваффақиятларга бағишланди.

Анжуман том маънода информацион технология муҳим илмий-иқтисодий йўналиш эканлигини курсатди. Унда информатика ва ҳисоблаш техникасида фойдаланиш масалалари батафсил қуриб чиқилди.

Энг муҳими, анжуманда йирик ишлаб чиқариш корхоналари инновацион технология лойиҳаларини ривожлантириш учун олий ўқув юртлари билан амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ёшларнинг оламшумул масалаларига жалб этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги намоён булди.

Анжуманда "Қамолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Х.САЛОҲОВА



ИҚТИСОДИЁТ ВА МАТБУОТ

(Боши 1-бетда)

Мақола муваффақиятини ҳаётий, жонли мисоллар таъминлаган. Лекин Навоий вилоти "Дустлик байроғи" газетаси 10 февраль сониди "Шартномалар аниқ мақсадлар дастуридир" (муаллифлари Худоёр Каримов, Ёркул Умаров) мақоласида бутун вилоятлардаги 8 та тармоқда, 25 та ҳужалик субъектида шартнома натижалари таҳлил қилинганки, оқибатда кенг фикрлаш учун имкон қолмаган. Шу газетанинг 17-февраль сониди "Контракция шартномаларининг моҳияти" мақоласида (муаллифи вилоят адлия бошқармаси бошлигининг уринбосари вазирасини бажарувчи У. Холов) Вазирлар Маҳкамасининг уч ярим йил олдинги қарориди "Қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисида"ги Низомини шарҳлаш билан чегераланган. Агар ушбу ҳужжат ижроси ҳақида гап кетганда бошқа гап эди.

Иқтисодий мавзудаги мақолаларни тайёрлаётган журналистларимиз иқтисод

илмидаги янги тушунчаларни яхши билиб олишлари керак. Масалан, кейинги пайтларда куп мурожаат қилинаётган мавзулардан бири – санациялаш масаласи. Кузатишимизча, бугун ҳам санация, яъни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари мажмуи ҳақида нафақат оддий деҳқонлар, балки шу ишга мутасадди бўлган мутахассислар ҳам етарли тушунчага эга эмас экан. Бунда жамоатчилик фикрини тугдирувчи оммавий ахборот воситаларининг ҳам айби бор. Масалан, телевиденида қишлоқ ҳужалиги масалаларини мунтазам шарҳлаб бераётган бир журналист "Ахборот" дастурида бир неча марта "Фалонга ҳужалик санацияга учраган" деган иборани ишлатди. Бара-

ка топгур, санацияга "учрамайди", балки ҳужалик санация қилинади. Худди шунга ухшаш мисолни "Бухоро ҳақиқати" дан келтириш мумкин. Шу йил 17 январь сониди Бухоро вилоти иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси бошлиғи И.Жураев ҳамда вилоят қишлоқ ва сув ҳужалиги бошқармаси бошлиғи уринбосари У.Барноевларнинг "Санациядан мақсад нима?" деган сарлавҳали

мақоласида ёзилади: "Вилояти-мизда ҳужалик фаолиятини зарар билан якунланаётган (?) 8 та қишлоқ ҳужалик корхонасига санация бериш тавсия этилди". Қизик, "санация бериш" иборасини қандай тушуниш мумкин. Агар таҳририят ходимлари санация моҳиятини тўғри тушунганларида эди 14 февраль сониди "Санация тўғрисидаги қонун – амалда" рукни остида берилган мақолада фақат утган йиллардаги фаолиятни қоралаш билан чекланилмаган, балки санация қилинаётган ҳужаликларда Олот туманининг собиқ ҳокими, эндиликда ташқи бошқарувчи ишни нимадан бош-

билан асосланмаганига гувоҳ бўламиз. Шу уринда ҳар бир таҳририят мутахассис шарҳловчилар оқимини яратиши лозимлиги ҳақида тухталмоқчиман. Кузатишлар шуни курсатяптики, аксарият ҳолларда (айниқса, вилоят газеталарида) мутахассислар чиқиши таҳририят ходимлари билан қилинган суҳбат шаклида намоён бўляпти. Хуш, бу мақолани амалда ким ёзди? Албатта, журналист. Шунинг учун бу хил суҳбатларда таҳририятнинг услуби устиворлик қилади, демак, мутахассис фикри узуздан, орқа уринга тушиб қолади. Тўғри, журналист учун суҳбат ёзишдан осони йўқ. Мутахассиснинг узиға қўядиган бўлса, анча ишлашга тўғри келади. Аммо осон йўл ҳеч қачон бизни қўзлаган манзилга элтмайди. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкин: ҳар бир таҳририятда соҳалар бўйича журналистлар ихтисослаштириш билан бирга мутахассислар давраси ҳам яратилиши керак.

Бир таклиф. Ҳар бир таҳририят ҳузурида жамоатчи мухбирлар гуруҳи ташкил этилса, улар вақти-вақти билан чиқишларга муносабат билдириб боришса.

Икки кунлик семинар-кенгаш давомида купчиликни уйлантираётган масалалар ҳақида бафуржа гаплашиб олдик. Аксарият ҳамкасбларимиз узаро суҳбатларда қоғоз нархининг ошиб бораётганлиги, босмахона харажатлари қимматлашганлиги ҳақида гапиришди. Тўғри, бозор муносабатларига утиш даврида ҳеч ким иқтисодий муаммолардан ҳоли бўла олмайди. Лекин масалани бошқача қўйиб курайлик. Хуш, енгил-елпи, юзаки ёзилган, муштарийларни қизиқтирмайдиган, аксинча, бездирадиган мақолаларни қиммат қоғозларда босиб чиқаришга кимнинг ҳаққи бор?

Зотан, матбуотни тўртинчи ҳокимият даражасига кутариш олдимизга вазифа қилиб қўйилган. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси утказган семинар-кенгашда билдирилган фикрлар барчамизни янада изланиб, ижодкорлик қобилиятларимизни ишга солиб ишлашимизга омил бўлади.

Шухрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Семинардан кейинги ўйлар

лаганини ҳикоя қилишган бўларди.

Мавзу моҳиятини англамасдан ёзилган яна бир ҳолни "Бухарские известия" да учратдик. Бу газетанинг утган йил 8 ноябрь сониди "Ответственность за банкротство" сарлавҳали интервьюда (иқтисодий ночор корхоналар вилоят худудий бошқармаси бўлими бошлиғи Дилмурод Ниёзов билан) умумий гаплар атрофида уралашиб, фикрлар ҳаётий мисоллар

ЁШ АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

"Ватан ҳимояси" деган тушунчанинг жуда катта қалъаси бор. Бу ҳар қандай давлатнинг қудратли қўшини ҳисобланади. Бу йил биз Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганининг 6 йиллигини нишонладик. Олти йилдирки, давлатимизнинг ана шундай мустаҳкам қалъаси бор. Унинг ички ҳаёти ва ёш аскарларимизнинг ута "махфий сир"лари нимада экан? Ана шу саволлар билан Навруз айёми тантаналари давом этаётган айни паллада "Камолот" жамғармаси раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ билан Нукус гарнизони томон йўл олдик. Гарнизонга кириб борар-еканмиз, у ерда яратилган шарт-шароитларни куриб қўзимиз қувонади. Ҳарбий булинмаларда жорий этилган барча режалар фақат темир интизомга эмас, сидқидиллик ва фидойиликка асослангани алоҳида таҳсинга сазовор экан. Албатта, биз буни полковник Баҳодир Гафуров олиб бораётган ишлар туфайли деб билдик. Бу фикримизга у киши билан бўлган суҳбат чоғида янада ишонч ҳосил қилдик. "Ҳарбий қисмдаги барча аскарларни уз уғлим деб биламан. Уларнинг ҳар бир ҳагги-ҳаракатига жид-

дий эътибор бераман. Қаттиқ яхши қўраман ва ўрни келганда жуда қаттиқ жазолайман", дейди полковник меҳр билан.

Гарнизон бўйлаб айланишимизда "Офицер бўлиш осон эмас", "Гарнизон ҳаёти" деб номланган деворий газеталарда ёритилган мазмунли мақолалару ажойиб суратлар бизда катта таассурот қолдирди.

хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға мувофиқ қилган қарори хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

"Туркистон" газетасининг Бош муҳаррири А. Ниёзов эса ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг бугунги кундаги миллий хусусиятлари тўғрисида сузлади.

Шоир Нормурод Нарзий ва

Сиз кутган учрашув

Тантанавор мусиқа остида майдонга кириб келаётган қалдибаста келишган йигитларимиздан ёғилиб турган куч ва шижатни куриб фаҳрдан қалбларимиз қувончга тўлди. Дам олиш чоғларида аскарларимизнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатларини кузатар эканмиз, уларни хизмат бурчи юзасидан турли вилоятлардан келган йигитлар эмас, балки туғишган ака-укалар деган фикрга бордик.

Роппа-роса соат 16.00 да Нукус офицерлар саройида байрам учрашуви бошланди. Уни "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи уринбосари Комил Юсупов очар экан, 1998 йил 10 мартда Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил

ёш шоира Мухтасар Тожимама-товалар узларининг самимий тилаклари ва шеърлари билан йиғилганларнинг кунглини хушнуд этдилар.

"Амир Темур" илмий экспедициясининг раҳбари Фаҳриддин Ашрафхўжаев Амир Темур бобомизнинг давлат юртидаги ва ҳарбий қўшин хусусидаги уғитларини таъкидлаб ўтди.

Эса "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи уринбосари Комил Юсупов ҳамда мазкур жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бўлими муdiri Нукусбей Нигметовлар ёш аскар ва офицерларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Шундан сунг Абдурашид Исоқов раҳбарлигидаги


"Хилол" бадий гуруҳи санъаткорлари завқу шавқ билан бошлаган куй-қушиқлар аскар йигитларни даврага чорлади.

Айниқса, "Қизилчи-97" куриктанлови голиблари Иқболжон Шукуров ва Зокиржон Очилдиевларнинг аскарлар ҳаётидан олинган ҳангомалари йигитларни мамнун этди.

Учрашувдан қайтар эканмиз,

Амир Темур бобомизнинг ушбу сузлари ёдимизга тушди: "Давлат лашкару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги билан қудратлидир". Ана шу қудратимиз мангу бўлсин. Бахтимизга мард ва жасур йигитларимиз, суянган посбонларимиз соғ-омон бўлсинлар.

Н. МАМАТОВА





Чимилдиқ

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 1998 йил 1 апрель № 1

ҲАЁТ БЎСАҒАСИ

Чимилдиқдан мўралама ирим бўлар, ёр-ёр,
Келинлигини шунини билан шифин бўлар, ёр-ёр...

Чимилдиқ! Дарҳақиқат бу сирли пардада не сир-синаот бор.

Халқимиз чимилдиқни жуда муқаддас деб билади. Чимилдиқдан ҳатлаб ўтма, мўралама ёки айланиб ўтма деган ёзилмаган қонунлар, ирим-сиримлар бор. Чимил-диқли уйга янгадан ўзга бегоналар киритилмайди. Сабаби янги оилани ёмон кўздан асраб, оёқости қилмасликдир. Чунки чимилдиққа ҳар бир ёш йигит ва қиз боқира тўйгулару, юрак тўғёнлари билан қадам қўядилар.

У ҳар бир ёш учун ҳаёт оstonаси ҳисобланади. —Чимилдиқнинг нишона сони чиққанидан кейин ҳамкасблар ўртасида анчагина гап-сўзлар чуваллашиб қолди. Бағзилар унинг номини қоралашса, кимлардир унда ёритилган мавзунини бачқалашса айблади. Аммо ҳар замонда ҳам биз суянганимиз — мухлислардан яхши фикрлар эшитдик.

Бу галги сонда эса ўша мухлисларимизни қизиқтирадиган мавзуларга қалам теккизиб ўтдик.

Ниятимиз матбуот-оламида ягоналик яратиш эмас, балки ёшлар учун сирдош, маслаҳат-гўй бўла оладиган бир наشري дунёга келтириш ҳолос.

"Чимилдиқ"

Ҳаёт кўтисидан

Ахир буюк келажакли мамлакатимиз учун хур фикрли, ҳар томонлама баркамол авлод зарурла. Шундай экан, замон бизга боқмаса, биз замонга боқайлик.

Агрофимизда, ёшлар ҳаётида қандай етишмовчиликлар, тушунмовчиликлар бўляпти. Бир-биримизни олоҳимизга қўйиб, Авлодларимиз эъзозлаган, доимо яхши тилаклар билан кирган чимилдиқдан биз ҳам некин ниятлар орзулайлик.

Демокчимизки, хайрли ишнинг ҳечам кечини йўқ. "Туркистон"нинг иловаси бўлган "Чимилдиқ" ҳар бир оиланинг газетасига айлансин. Газетхон билан газета ҳамкорлик қилсин.

Сизни бир сир, оғриқ қийнаётими, албатта "Чимилдиқ"қа ёзинг. Ахир у ҳам сирли даргоҳда...

ГУЛНОЗ

* * *

"Туркистон" газетасига илова тарзида чиқаётган "Чимилдиқ"нинг нишона сонини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Аввало, унинг номланиши ёқди. Биринчидан, ўзига хос, иккинчидан "оҳори тўқилма-

ган", анъанавий ва қандайдир сирли. Газетхонни энг аввало ана шу номланиши ўзига жалб этиши табиий.

Эътиборга молик жиҳати газетда эндиликда фақат ёшларга хос бўлган муаммолар, уларнинг яшаш тарзи, ўй-фикрлари, орзулари акс эта бошлади.

Дарҳақиқат, ёшларни табиий қўйдан, аслида табиий бўлган, лекин негадир биз чўчиб қаламга олмайдиган мавзуларнинг газетда саҳифаларида ёритилиш фурсати келди.

Илова — газетадан ўрин олган материаллар мавзу ва мазмун жиҳатдан қизиқарли, аммо баъзи мақолалар, хусусан, Т. Курбоновнинг "Кашан-данинг турқи" мақоласида матн билан номланиш орасида номуносивлик бордай сезилади.

"Уни ким ўргатади" номи билан эълон қилинган суҳбатда ҳам фақат умумий гаплар айтаётган, масаланинг нозик томонлари эътибордан четда қолган.

Лекин бу камчиликларга қарамай, илова-газетда умумий руҳият ижобий ва унинг газета жамоасини нишона сони билан табриклаш мумкин.

Дилнавоз
ФАРМОНОВА,
ТошДУ талабаси



СЎРАМАГАН ЎЗИГА ЗОЛИМ

Яқинда бир танишим билан учрашиб қолдим. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб турдигу, унинг кўзларига қандайдир бир дард қўқанини пайқаб қолдим. Роса кистовга олганимдан кейин, истар-истамас ёрилди.

— Биттаси билан ижарахонасига борувдик... кейин... Эрталабгача қолиб кетибман... Умримда бундай иш қилмагандим. Ушандан бери мазам йўқ. Ёмон бир шармандали касалликка чалиниб қолдим. Нима қилишни, кимга маслаҳат солишни билмайман. На бировга ботиниб айта оламан, на бир дарди-даво топаман.

Гапнинг бу ёққа бурилиб кетишини умуман ўйламаганимданми, нима дейишни, қандай қилиб дўстимга тасалли беришни билмай қолдим. Бошқа пайт бўлса-ку бундай ишлари учун роса уришиб берардим. Ҳозир эса андак дакки ҳам унинг

нажот кутаётган кўнлига тигдай ботиши тайин.

У танбеҳга эмас, жўяли бир маслаҳатга муҳтож эди.

— Докторга учрашмадингми? — деб юбордим.

— Қандай бораман, жўражон. Дўхтирларку майли, тушунишар, лекин бу гап ўртоқларим, курсдошларимнинг қўлоғига чалиниб қолса нима деган одам бўламан?!

— Бунақа касалликларни врачлар сир сақлайди. Ҳеч кимга билдирмай даволайди, — дедим уни юпатиб.

Аммо дард уни тўшаққа михламагунча дўхтирга учрашишга уялди.

Шундан бери ўйлайман: ўзбекона андиша деб кўп ҳолларда ютқазиб қўймаймизми? Масалан, йигитлар (қизларни билмадим-ку) ҳаётнинг асосий

қонунларидан бири бонун жинсий муносабат ҳақида кимдан маслаҳат олишни билишмайди.

Ойта-онаси ёки акаларидан сўрашга, табиий ботинолмайди. Бу эса, кўпинча, "сўрамаган ўзига золим" қабилидаги фалсафага бориб тақалади.

Кейинги йилларда мазкур мавзуга оид бир неча китоблар сотувга чиққани яхши, аммо бу адабиётларнинг асоси "тузжорий" мақсадларга таяниши ачинади.

Кўриниб турганларнинг устини ёпиш эмас, унга малҳам қўйиш даркор. Агар республикамиздаги масъул мутахассислар бу соҳада етарли иш олиб бормаса, миллий анъана ва қадриятларимизга тамомилар зид газет-журналлар, видеолар ҳаётимизга, уйимизга кириб келаверади.

Муроджон
Абдуваҳобов, Тошкент
шаҳри

Ҳурматли "Туркистон" таҳририяти ходимлари!

"Чимилдиқ"ларингнинг нишона сонини қизиқиш билан ўқидим. У ўз олдида қўйган мақсадидан чалғимаса, яъни турли олди-қочди гап-сўзлар ёки бир-бирига сув томчиларидай ўхшаб кетадиган "тўқима тақдир"лар баёни, миллий қадриятларимизга (шаклан) мутлақо зид ишқий саргузаштлар тафсилоти ҳақидагина бўлмасин. Балки ҳар бир йигит ва қизнинг ҳаётида шубҳасиз керак бўладиган, лекин ўзбекона андиша (балки йитманиш) туфайли катталардан сўрай олмай-диган масалаларга ойдинлик киритсин. Шунда у энг яқин сирдошимиз, маслакдошимизга айланиши мумкин.

Саъдулла
ТУЙЧИЕВ,
Тўрақўрғон
тумани,
Бордимқўл
қишлоғи

Салом "Туркистон" ходимлари!

"Чимилдиқ" иловасини ташкил этиб хайрли ишга қўлурбисизлар. Биз ёшлар сирли маслаҳатларга муҳтожмиз. Биз истардикки, "Чимилдиқ" саҳифа-ларида оила сирлари ҳақида мақолалар бериб борилса. Ўзбекистонда қизлар нечаёшдан турмуш қуришлари мумкин? Аёл киши давлат ташкилотларида ишлаши керакми, умуман аёлларнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак? Шулар ҳақида кенгроқ мушоҳадали баҳс-мунозаралар ташкил этилса. Келин-куёв муносабатлари, оилада янги келин ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида ҳам "Чимилдиқ" орқали билишни хоҳлардик.

Ж. ТОЖИЕВА,
Самарқанд
вилояти,
Нуробод
тумани, Меҳр
қишлоғи

“БОҚИМАНДАЛИК УЯТ”

Ёш оилада тагин жанжал чиқди. Яна ўша “уни олиб бер, буни олиб бер”, “фалон матоҳ русум бўлибди” қабилдаги кўнгилхираликлар... Келин турмуш ўртоғини пул топа билмасликда айблайди. Йигит ҳам анойи эмас, келинболага “молпараст” деб ном қўйиб олган.

Бизнинг бугунги суҳбатдошларимиз яқинда турмуш қурган оила соҳиблари.

Куёв -- Дилмурод Аҳмедов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 4-босқич талабаси.

Унинг умр йўлдоши Саодатхон Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси қошидаги тиббиёт коллежининг 2-босқич талабаси.

-- Оила бюджетингиз тўғрисида нима дея olasiz?-- сўраймиз Дилмуроддан.

-- Билмадим, буни оила бюджети деб аташ мумкинмикин?-- кулибгина жавоб қайтарди у, -- Мен 1800 сўм, Саодат 3100 сўм стипендия оламиз. Демакки, бюджетимиз ойига 2900 сўмни ташкил қилади. Табиийки, бу пулга кун кўриш мушкул.

-- Лекин сизлар қандай яшайсизлар?

-- Биз ҳозирча ота-онамиз билан яшаймиз. Тўғриси, рўзгор, бозор-ўчарни кўпинча дадам билан бирга қиламиз. Ойим ҳам қараб турмайдилар. Очиғини айтганда, ўғил бола учун ота-онанинг кўлига қарам бўлиш жуда уят. Устига устак оилали бўлса тагин-да хижолатли. Лекин бу вақтинчалик ҳолат.

-- Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз дейдилар. Оила учун моддий кўмак бўлсин деб бирон кўшимча юмуш бажаришга ҳеч уриниб кўрмадингизми?

-- Авваллари Отчопарга чиқардим. Машина учун эҳтиёт қисмларни олиб сотардим. Кўлга унча-мунча пул ҳам тушарди. Бироқ, дадам билан ойим бундан мени қайтаришди. Ўқишни битириб, тузукроқ ишга жойлашиб олсам, кўшимча иш ҳам қидириб кўраман. Секин-аста рўзгор ташвишларини ўз зиммамизга олишга ҳаракат қиламан.

-- Ҳозир буш вақтингизда кўшимча иш топсангиз бўлмайди? Ҳар ҳолда бу ҳам ўзига яраша даромад-да!..

-- Буни кўп ўйлаганман. Аммо кўшимча иш ўқишга ҳалақит қиладими, дейман. Чизмачилик кўлимдан келади. Пулга чизма

чизишни режалаштиряпман. Айтишади-ку “Ҳа, деган туяга мадор” деб.

-- Саодат, оила бюджетига ҳисса қўшиш аёл киши учун шартми?-- юзландик келинчақка.

-- Албатта, ҳозирги пайтда шарт деб биламан. Мен таниш-билиш, кўни-кўшнилари эмлаш орқали, унча-мунча пул ишлаётган ҳамшираларни биламан. Пул кетидан қувиш яхши эмас, аввало ўз соҳасини киши пухта билиши лозим. Тўйимиз бўлишидан аввал торт ва бошқа

ширинликлар пишириш бўйича пуллик машғулотларига қатнагандим. Буюртмага тўй-ҳашамлар учун торт пиширишни ўйлаб турибман. Аслида биз ота-онамизга едириб-ичиришимиз, моддий ёрдам

Пулнингизни қандай сарфлайсиз?



беришимиз керак-ку! Ахир боқимандалик биз ёшлар учун уят-да.

-- Рост бугун ота-онаси қарамоғида яшаётган ёш келин-куёвлар ҳали кўп-кўп топилади. Биз уларни айбашдан буткул йироқмиз. Фақат вақтдан унумли фойдаланиб, ўзининг бор имкониятини ишга солиб, рўзгор кам-кўстини тўлдиришга нима етсин!

НАРГИЗА

ЁШЛАРГА ТАВСИЯЛАР

1. Мустаҳкам оила тўрт тамал асосида вужудга келади. Булар: севги, ҳурмат, ишонч ва мурувват. Бу тўрт асосдан бирининг йўқолиши оиланинг емирилишига олиб келади.

2. Бир-бирингизга нисбатан самимий муносабатда бўлинг. Айбингизни кечирувчи бўлинг. “Сен ундайсан, мен бундайман” деб таъна қилманг.

3. Соғлом бўлган пайтларингизда эр-хотинлик вазифаингизни унутманг. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан қониқмаслик сизни бир-бирингиздан узоқлаштириши мумкин.

4. Оилавий сирларингизни бошқаларга айтманг. Ораларингиздаги ҳар қандай гапни ота-онангизга етказаверманг.

5. Айёмларда, байрамларда, бир-бирингизни қутланг. Иқтисодий шароитингизни ҳисобга олган ҳолда совғалар қилинг.

6. Ўйга кириб келган пайтда бир-бирингизни очик юз ва ширин сўз билан кутиб олинг. Ўйга кирар-кирмас дардингизни дастурхон қилманг.

7. Бир-бирингизни ота-онангиз ёхуд бегоналар олдида кескин танқид қилманг.

8. Кечки овқат маҳали оила аъзоларингизни дастурхон бошида кўп куттирманг.

9. Бир-бирингиздан яширинча пул сарфламанг. Орзу ва тилакларингизни ўзаро маслаҳат асосида юзага чиқаришга интилинг.

10. Ўзаро севги-эҳтиромингизни икки томон қариндошларингизга нисбатан ҳам кўрсатинг.

11. Бир-бирингизга ҳамиша парваришли ва озода бўлиб кўрининг.

12. Кичик тушунмовчиликларнинг катта ғавгога айланиб кетишига йўл қўйманг. Унутманеки, улкан ёнғинлар кичик учқунлардан пайдо бўлади.

13. Ўй ишларида бирингиз-бирингизга ёрдамчи бўлинг.

Тавсияларимизни Улуғ Оллоҳнинг Қуръони каримдаги бир ояти билан тугатайлик: “Мўмин эркак ва аёллар бир-бирларига ёрдамчидирлар. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадилар. Номоз ўқиб, закот берадилар. Оллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этадилар, Оллоҳ бундайлардан ўз раҳматини аямайди. Шубҳасиз, Оллоҳ кучлидир, ҳокимдир” (Тавба сураси, 71-оят)

Турк адиби Камолиддин Эрдилнинг “Оила мактаби” рисоласидан ўзбекчага Нодир ЖОНУЗОҚ ўтирди.

Мўшоҳада



Мен боп қиз туғилибди

Бугун ҳамма-ҳамма нарса ҳақида қайтадан ўйлаш керакка ўхшайди. Масалан, жуда ҳам оддий -- “Бешиккертди” деган бир нарса бор. “Нарса” деганимга ажабланманг, чунки унинг деярли номи

“БЕШИККЕРТДИ” БИДЪАТМИКИН?

қолди, холос. Уни илгарилари “бидъат” деб ёзганмиз ҳам.

Мен бешиккертди ҳақида китоблардан (китобларда ҳамиша ҳам рост сўзланавермайди) эмас, бу одатга озми-кўпми алоқадор кишилардан сўрадим.

ҲАНИФА ЯНГА ШУНДАЙ ДЕДИЛАР: (Улар элликдан ошганлар, олтига ўғиллари, арзанда қизлари бор). -- Бектурсун акангиз билан бешиккертди қилинган эканмиз. Болалигимдан “шу одам билан турмуш қураман” деган хаёл билан ўсганман. Ундан фазилат ахтарганман. Феъл-атворини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга

одатланганман. Мана, худога шукур, йигирма икки йил тинч-тотув яшаб келаяпмиз.

БИБИЖОН ХОЛА: (Олтмишга киради яқинда, неvara келинига совчилик қилиб юрибди): Тўйгача бир-бирини яхши билса, сири қолмайди, кўнгли совиб кетади, дейишади. Буга унча тўғри эмас. Билган яхши. Айниқса, қайнота-қайноналар -- икки хонадон бир-бирларининг пасту-баландини билса, ёшларга яшаш осонроқ бўлади. Бунинг устига, билганлардан қадрдонлик ҳурмати бўлади. Бўлар-бўлмагача бир-бирига сачрайвермайди...

РАЙИМБЕРДИ АМАКИ: -- Етмишни қоралаган. Ёшлигимда бешиккертди қилинган қизимга уйланганман. Ҳеч кимга ишонмасдим уни. Ҳаммадан асраб, кўриқлаб юрардим. Уйлангунимчаям бегонага назар туширмаганман. Қизлар болалигидан эгаллик бўлса, ёмонми? Ҳар хил хаёллардан узоқроқ юришади...

Ҳар бир эшитганим ҳукм эмас, аммо ҳар бир гапда ҳақиқат бор. Муҳаббат, турмуш, оила борасида аслида бир қолип яратиб бўлмайди. Чунки тақдир, қисмат

қолипларига сиғмайди. Аммо “бешиккертди” деган қадим момолар, боболаримиз учун тақдирга дахлдор саналган бу одатни ҳам бутунлай рад этиш, уни бидъат деб супуриб ташлаш унчалик тўғрига ўхшамайди.

Қайсидир укам ё синглим “эндигина озодликка чиқиб, ҳар хил чегаралашлардан қутилган эдик. Сиз нега?...” деб мендан гина қилар, эҳтимол. Аммо эрк дегани бу бошбошдоқлик эмас, унинг чегаралари кўпроқ руҳиятда, кўнгилда бўлади. Кўнгилда тўғри ҳисоб-ланган нарсалар эркак ҳам тўғридай. Ҳар ҳолда, бешиккертди ҳақида ҳам фикрлаб қўйиш зарурати бордай...

Кутлибека РАҲИМБОЕВА



СИЗ
ОНА



БЎЛАСИЗ...

Суҳбатдошимиз врач, гинеколог Галина ШЕРБИНА:

-- Галина опа, аёл ҳомиладор бўлгач, нималарга эътибор бериши керак?

-- Биринчи ўринда шахсий озодалик ҳамда овқатланишга. Шундагина ҳомиладорлик енгил ўтади. Ҳомиладор аёл ўзига қараб юриши, қулай бўлган кийимларни кийиши, 8 соатдан кўп ухламаслиги

сийишдир. Қишлоқ шароитида аёллар кўпроқ оғир меҳнат билан шуғулланишади. Ҳомиланинг тушиши қишлоқда кўпроқ учрайди. Аёл ўзини ўйла-маса ҳам ҳомилани ўйлаши зарур. Агар ҳомила кетма-кет тушса, унда бачадон бўйининг етишмовчилиги, ҳар хил инфекция бўлиши мумкин. Ҳомиладор аёл сиқилмаслиги, таъсир-

ЖИДДИЙ ГАП!

зарур. Кўпроқ очик ҳавода сайр қилишнинг ҳомилага яхши таъсири бор.

-- Кўпчилик келинлар таксикоз ҳақида етарли билишмайди.

-- Токсикоз эрта ёки кеч бўлиши мумкин. Эртанги токсикоз бола уч ойлигида кузатилади. Бунда асосан иштаҳанинг йўқлиги, кўнгил айнаши, қусиш, айрим ҳидлар ёқмаслиги кузатилади. Овқатларни танлаб ейди. Птиализм ёки сўлак оқиши мумкин. Токсикоз енгил бўлса, уни амбулатория ша-

ланмаслиги, йиғла-маслиги, оғир меҳнат қилмаслиги, жисмонан зўриқмаслиги керак. Агар у сиқилса, ҳомила безовта бўлади. Йиғлаганда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Онанинг руҳий ҳолати болага ўтиб, у ногирон, носоглом бўлиб туғилади.

-- Ҳомиланинг ўлик туғилишига сабаб нима? Унинг олдини олиш мумкинми?

-- Ҳомиланинг ўлик туғилишига кўп гина ўткир юқумли касалликлар (грип, терлама, захм) буйрак ка-



роитида даволаш мумкин. Агар эртанги таксикозга умумий ҳолсизлик, бош оғриги, бош айланиши қўшилса, унда беморни касалхонада даволаш зарур. Вақтида даволанса, у енгил ўтади. Акс ҳолда кечки токсикозга ўтиб кетади. Шунда шишлар, қон босимининг кўтарилиши, умумий сийдик таҳлилида оқсил пайдо бўлади.

-- Ҳомиланинг тушиб қолишининг сабаблари нимада?

-- Ҳомиланинг тушиши эртанги (14-15 ҳафталик) ҳамда кечки (14-28 ҳафталик) бўлиши мумкин. Сабаблари жисмонан ва руҳий жароҳат, инфантизм, организмнинг захарланиши, тез-тез

саллиги, хафа қонлик, токсикознинг оғир шакллари (невропатия, преэклампсия) сабаб бўлиши мумкин. Гоҳида боланинг ва онанинг қони резус омиллари бўйича тўғри келмайди. Боланинг қимирлаши сезилмайди, аёлни текшириб, дарҳол ҳомилани олиб ташлаш лозим.

-- Аёлларга нима мақсадда декрет таътил берилади?

-- Асосий мақсад ҳомиладор аёлда руҳий ва жисмоний жараёнларни камайтириш, унинг осойишталигини таъминлаш. Туғишдан олдин унга тайёрлаш лозим.

Суҳбатдош:
Хонбиби ХИММАТ
қизи

УЯЎ БЎЛ(ади)майди



Суҳбатдошимиз Тошмуҳаммад ХУШВАҚТОВ -- Алгоритм заводининг тиббий санитария қисмида уролог, андролог бўлиб ишлайди.

-- Тошмуҳаммад ака, ҳозирги вақтда эркеклар қандай хасталиклардан

ўзларини шифокорга текширтиришдан уялишади...

-- Жуда тўғри айтдингиз. Эркеклар шифокорга мурожаат қилишмасдан билиб-билмай ҳар хил дори-ларни истеъмол қили-

кейинчалик "Аттанг, вақтида кўрсатмаган эканмиз, даволатишга улгурмабмиз" -- деган гапларни айтмасдилар. Чунки вақтида даволан-маса, шифокор тавсия-сига амал қилмаса, оқибатда бепушт бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Оилаларнинг бузилиб кетишига ҳам кўп ҳолларда бепуштлиқ сабаб бўлмоқда.

-- Бепуштлиқнинг асосий сабаби нимада?

-- Бепуштлиқнинг сабаблари асосан аёлларда бачадон найлари, тухумдонларнинг йўқлиги, аёл ва эркек кишиларнинг жинсий хужайраларидаги паталогик ўзгаришлар, хромо-сома абберациялар

изоҳлайсиз?

-- Эркеклар аёлларни айблаб дилларини ўкситишади. Аслида ўзлари ҳам урологга мурожаат қилиб давола-нишса ёки тегишли тавсияларни олишса айлани муздао бўларди.

-- Оталар кўпинча оилада қиз туғилса нозрози бўлишади. Шу нарсани ҳам илмий, ҳам содда тилда тушунтириб берсангиз?

-- Ҳа, бу нарсани улар кўп ҳолларда тушунишмайди. Бир қўшнимизнинг тўрт нафар қизи бор. Агар бешинчиси ҳам қиз бўлса ажрашаман, деб юрарди. Афсуски, бешинчи фарзанди ҳам қиз туғилди. Оила парокандаликка юз тутди. Эркеклар, қиз туғилса унга аелингиз айбдор эмас. Туғилишнинг илмий негизига эътибор берадиган бўлсак 100 фоизига эркек сабабчидир. Чунки эркеклардан "Х" ва

БЕПУШТЛИК АЙБИ АЁЛДАМИ?

кўпроқ шикоят қилиш-япти?

-- Бизга беморлар асосан шамоллаш, яъни эркеклик безининг шамоллаши, яллиғланиши безовта қилаётганидан шикоят қилишади. Уларнинг ичида ёшлар кўпчилики ташкил қилади. Ҳозир номозхон болалар кўпайиб кетди. Демак кунига беш марта таҳорат қилишлари лозим. Болалар ҳам, катталар ҳам кўп ҳолларда илиқ сувда эмас, балки совуқ сувда таҳорат қилишади. Бу эса эркеклик безининг шамоллашига олиб келади.

-- Бунда қандай ҳолатлар кузатилади?


-- Болаларда сийдик каналида ачишиш, бел, думғазасида оғриқ пайдо бўлади. Катталарда эса мижоз сусаяди, уйку бузилади, асабийлашиш, ич қотиш кузатилади. Шундай ҳоллар юз берганда улар дарҳол урологга мурожаат қилишлари лозим.

-- Эркеклар кўпинча

шади. Яхши бўлдим-ку, дея касалликни яширин даврини ўтказиб юборишади. Нохуш аҳволга тушиб қолгачгина бизга келишади. Уларга

соғлом бўлмаслигида-дир. Аёлларда бепуштлиқнинг асосий сабабларидан бири -- абортдир.

Эркеклар бепуштлигининг диагностикаси



маслаҳатим: ўзлари билан бирга турмуш ўртоғини ҳам олиб келиб биздан ва аёллар маслаҳатхонасидан тегишли тавсиялар олишса, айлани муздао бўларди. Оналар ҳам ўғилларини урологларга олиб бориб, тегишли йўл-йўриқ олиб туришса,

бемордан анализ йиғиш, жинсий аъзоларнинг соғломлигини, тухумлар биологиясини ўз ичига олади. Сўнгра уларга тегишли даволашни курси тавсия этилади.

-- Кўп ҳолларда эркеклар аёлларни туғмаслиқда айблашади. Сиз бундан қандай

"У" жинсий хромосома маси мавжуд. Аёлларда эса "Х" ва "Х" жинсий хромосомалар бўлади. Жинсий бўлиниш вақтида эркек киши икки

хил хромосомалар беради: "Х" ва "У", аёллар фақат "Х" ва "Х", яъни бир хил хромосомалар беради. Агар эркек "Х" хромосома берса, аёл кишининг "Х" хромосомаси билан "ХХ" хромосомалар жуфтлиги ҳосил бўлади -- қиз туғилади. Агар эркек "У" хромосома берса, аёл кишининг "Х" хромосомаси билан "ХУ" жуфтлик

ҳосил бўлади ва ўғил туғилади. "Фақат қиз туғасан" -- деб таъна қилиш ноўриндир. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, нима экса -- шунини ўради.

Энг асосийси ҳаммага ҳам ота-она бўлиш бахти насиб этсин.

УЙЛАНАЖАК ВАҚТИ

Уйланмак вақти умумий сувратда эрларга йигирма бешдан ўттиз бешгача, қизларга ўн тўққиздан йигирма беш ёшгачадир. Ўн уч, ўн беш ёшлардаги қизларни кул-ёвга бермоқ сўхатга катта зарарли бўлиб, тириклик учун хатарлар келтиради. Чунки керагинча ўсиб етмаган бир гавда уйланиш ҳолларига тура олмаганликдан кўп ва мушкул касалликларга гирифтор бўлуви са-

баб бўлади. Вақтсиз эрга тегув сабабидан сўлур, сарғаюр. Бундан бошқа бу ёшдаги қизлар куёвга борувнинг қадрини билиб етмаганликларидан тириклик қилмак йўллари бузилади. Эрлар мактабларда ўқиб тириклик қилувлари учун ҳ а р а к а т д а бўлганларидан, уларнинг ёш уйланишлари сабаб маслаҳат кўрилмас.

Қандай уйланмак

керак? Бир уйланажак эр олажак қизини тарбия қила олурлик, қиз-да боражак эрини бахтли эта олурлик бўлмоғи шартдир. Бойлигига қизиқиб, керак ёш жихатдан ва керак бошқа ҳолат жихатдан мувофиқ бўлмаганлар ила уйланмак сабабидан жуда катта зарарлар келиб чиқади. Туғилган болалар ҳам заифу ҳолсиз бўлурлар. Бойлигига қизиқиб олтмиш ёшдаги

эрга йигирма ёшдаги қиз берилса, ул қиз бахтли бўлмайди. Эр ила ҳотун бир-бирининг тенги бўлуви керак. Эр қиздан жуда кўп бўлса, ўн ёш ортиқ бўлмоғи лозим. Бўлмаса, ота тенги кишиларга тегмак, оила орасида қутила турган саодатни ҳосил қила олмас.

Фахр ул БАНОТ
Сибгатуллоҳ қизи



ОШИҚЛАР УЧУН ТЕСТ

Уйин шарти қуйидагича: Севишганларга саводлар бир пайтда берилди. Улар "ҳа" ёки "йўқ" жавобини белгилашлари керак.

1. Севганингиз билан ҳар хил мавзуларда кўп суҳбатлашасизми? (Ҳа, йўқ)

2. Барча севишганлар жиндай телбарок бўлишди... (Ҳа, йўқ)

3. Агар берилган совға сизга ёқмаса, унга айтасизми? (Ҳа, йўқ)

4. Бунчалик яқинлигининг сабаби бир-бирингизнинг жондан ортиқ севишингизданми? (Йўқ, ҳа)

5. Кўпчилик сизни бир кўришда севишганлар деб, айтишга ишонасизми? (Ҳа, йўқ)

6. Муҳаббатга доим ишонасизми? (Ҳа, йўқ)

7. Севганингизнинг ўртоқлари билан доим ҳам чиқишиб кета оласизми? (Ҳа, йўқ)

8. Бир-бирингизнинг ҳазил, киноянгизни кўтара оласизми? (Ҳа, йўқ)

9. Ўртангизда кўнгилсизлик юз бермаслиги учун ёлгон ишлатиб турасизми? (Ҳа, йўқ)

10. Кийим-кечак, бирор буюм харид қилаётганингизда севганингиз дилини ҳисобга оласизми? (Ҳа, йўқ)

11. Севганингиз сиз учун нимадан дир воз кечди. Унинг бу яхшилигини қадрлайсизми? (Ҳа, йўқ)

12. Бахтиёр турмуш учун муҳаббатнинг ўзи кифоями? (Ҳа, йўқ)

13. Эҳтиётсизлик сабаб келиб чиққан жанжалга ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми? (Ҳа, йўқ)

14. Агар энг яқин одамнингиз сизнинг маҳбубингизни (маҳбубангизни) ёмонласа тарафини оласизми? (Ҳа, йўқ)

15. Ишлаётган энг яхши ишхонангиз унга ёқмаса, унинг учун бўшаб кета оласизми? (Ҳа, йўқ)

16. Умрингиз охиригача бир тан, бир жон бўлиб яшашингизга ишонасизми? (Ҳа, йўқ)

17. Севганингизнинг ёқмайдиган хислатларини яхшилашга қодирмисиз? (Ҳа, йўқ)

ЭНДИ ЖАВОБЛАРНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ

1. Икковларингизнинг ҳам жавобларингиз сони бир хил.

Демак, сизлар муносиб жуфтликсиз. Фақат ҳамма вақт ҳам шундай бўлишга интилинг.

2. Жавоблар оралиғидаги фарқ икки ёки учга тенг.

Бир-бирингизни севасизлар. Ҳаммадан бахтли яшашга ҳам сизлар қодирсизлар. Аммо ишқ-муҳаббатга муносабатларингиз турлича.

3. Фарқ уч-бештага етган бўлса.

Ҳаммаси одамлар кўзи учун қилинаётганини фақат ўзингиз биласиз. Бу сиз уйлаган муҳаббат эмас.

4. Орадаги фарқ бештадан ортиқ. Пичоқ бориб суякка қалайишнинг олдини олинг. Олдиёғина бахдан ҳам катта жанжал чиқиши мумкин. Яхшиси бошқа-бошқа йўлни танланг.

Сингдан ташқари "ташғулоғ"

МАКТАБ СЕВГИ МАСКАНИМИ?..

Нигора бугун ҳам кеч келди. Синфхонага кириб жойига ўтиргунча тинчликмикан, касал бўлиб қолмаганмикан, деган минг хил ҳаёллар бошимни огритиб юборди.

Ҳар куни шундай. У мактабга келмаса, менга ҳеч нарса татимайди. Ўзи Нигора билан гаплашмайман, уришиб қолганмиз. Нега уни кўришга шунчалар интизорлигимни ўзим ҳам тушунолмайман. "Сирим"нинг тагига етолмайман. Ёки севги деганлари шумикан?

ВОҲИДЖОН,
Боевут тумани,
8-синф ўқувчиси

Комил чин дўст эмас экан. Ўқиш бошида у

билан "Ҳеч қайси қизга паст кетмаймиз, сени яхши кўраман", деб айтмаймиз, кетидан эргашиб юрмаймиз" деб келишгандик. Аслида бу гаплар ундан чиққанди.

Ўтган ҳафта синфимизга янги қиз келди. Комил ўшанинг атрофида гирдакалалак. Эшитишимча унга "Сизни севиб қолдим" деб хат ёзганмиш. Йигит дегани ҳам шундай бўлади чи.

ЛАТИФ,
Андижон шаҳридаги
32-мактаб ўқувчиси

Қизлар, жон қизлар! Ҳеч қачон йигитларни севманглар. Улар алдамчи бўлишаркан...

Лазизбек севги изҳор қилганида биринчи унчалик эътибор бермадим.

Чиройли, келишган йигит эди. Ҳамма келиб унинг оиласини мақтарди. Ҳар куни ҳол-жонимга қўймай орқадан юрганига ўргандимми ё уни яхши кўриб қолдимми, билмайман. Лазизни кўрмасам туролмайдиган бўлдим. У келса мактабни ҳам, турли нигоҳларни ҳам, гап-сўзларни ҳам писанд қилмасдим.

Кеча эса Лазизни бошқа қиз билан кўриб қолдим. Унинг сумкасини ҳам кўтариб олибди. Уйга келиб роса йиғладим. Ойнага қараб беихтиёр ўзимни у қиз билан таққосладим. У ҳеч ҳам чиройли эмас, фақат отаси каттакан экан...

СОҲИБА,
Ғиждувон тумани,
11-синф ўқувчиси

Ўйинлар ўқимасин

ЧИМИЛДИК ХОР БЎЛГАН КУН

(Ёки тўй оқшотида чимилдикни тарқатган қизга)

Дилором, ўша куни иш куним охири-лаб, хонадан чиқаётган эдим ҳамки, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг расаси билан 50 ёшлар атрофидаги аёл (Сизнинг онангиз эканлар) кириб келишди.

-- Беш кун олдин опа қизларини узатган эдилар, -- дея ҳамроҳини кўрсатди Ҳайитгул опа. -- Мана беш кундирки, келин чимилдикқа қадам қўймай, уйимга кетаман, деб турибди. Бормасак, келиннинг авзoi бузуқ. Бир кори-ҳол бўлиши тайин.

Фалончининг фотиҳаси бузилибди, писмадончи товоғини қайтарибди, деган сўзларни ахён-ахёнда бўлса-да, эшитар эдим, лекин ҳамма расм-русумлар бажо келтирилиб, ёр-ёр билан эшикдан кирган келинчакнинг чимилдик тугилган маҳал "Уйимга кетаман, кўевни яхши кўрмайман" -- деган сўзини айта олиши мумкинлигини тасаввур ҳам эта олмаган эдим.

Исириқ хиди анқиб турган озода ҳовлига кирверишдаги ўнг томондаги хона. Келинчак либосида Сиз кўриндингиз, Дилором. Зар билан тикилган духоба камзил-у, бошингиздаги қимматбаҳо дўппигача, узун оппоқ зар тўкилиб, товланиб турган рўмолгача бари ярашиб турарди. Сиз бизни росмана келинчаклардек, одат, расм-русумларингизни жойига қўйиб, уч марта таъзим қилиб кутиб олдингиз. Шу туришингиз бахдан сармаст келинчакларни эслатади. Онангиз нега ундай дедилар? "Олиб кетмасак, ўзини бир нарса қилиб қўяди, бахтсиз қилманг", деб ёлворяпти.

Дид билан оқланган хонада бўёқ ва исириқнинг аралашиб кетган хушбўй хиди анқирди. Икки сандиқ икки томонда. Кўрпа-тўшаклар ҳам иккига бўлинган, ўртада... ўртада эса қипқизил чимилдик, ер билан битта бўлиб ётарди.

Ўрта бўйли, қорачадан келган, қарашларидан ақллилиги сезилиб турган йигит кўев Ҳабиб салом бериб, тортиниб кириб келди. Зимдан келин билан кўевга разм соламан. Ҳабиб кўплар ҳавас қилганича бор экан.

-- Нима гап, Дилором?..

-- Яшамайман, мен буларни яхши кўрмайман. Бу уйга келин бўла олмайман.

Ҳалигина ҳавас билан боққаним -- оқ ҳарир рўмол ортидан чиқарди шу сўзлар.

Оғир, вазмин, бошлари қуйи эгилган Ҳабибнинг соддагина ота-онаси олдида аёвсизларча сўзларингга дош беролмадим, рости.

-- Жон қизим, яна бир ўйланг, қизим. Уелим меҳнаткаш, камгап. Сизни бахтли қилишга мен қафил. Шундоқ чиқиб кетсангиз, Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам оила шаънига иснод бўлади. Яна бир ўйланг, ой қизим.

Ҳабибнинг ота-онаси дунёдаги энг эзгу сўзларни, энг ойдин тилакларни бошингиздан сочишар эди. Сиз эса тош эдингиз. Мен бўлсам аксинча, шамдек эриб борар эдим. Секингина Сизни четга, қўшни хонага тортидим. Билсангиз эди, ўша тобда Ҳабиб ва унинг ота-онаси кўзларидаги ўтга, умид ўтига. Худди сиз мен билан чиқиб, хонага гул-гул яшнаб, қайтиб келаётгандек туюларди уларга...

Лекин... Ёдингиздами, Сизни мажбурлаб, кўрмаган одамнингизга узатишдими, дедим.

-- Йўқ, тўйдан олдин уч марта кўриб рози бўлгандим. Тўйга икки кун қолганда ҳеч кўнглимга ўтирмади. У менга ёқмайди, яшамайман.

-- Агар ёқтирган йигитингиз бўлмаса, шу меҳнаткаш, камсукум йигит билан бахтли бўлиб кетасиз. Бош чайқадингиз.

Дилором, розилигингиздан сўнг ҳам Ҳабиб беш марта совчи юборган. Шундан сўнггина нон ушатишган. Уч ой боши боғлиқ қиз бўлиб юрган экансиз. Удумларимиздан айланайки, бу борада нафақат ўз ҳис-туйғуларингизни, балки Ҳабибнинг одат-атвориғача ўрганишингиз, яна бир синовдан ўтказишингиз мумкин эди. Сиз эса ўз норозилигингизни тўй куни, кўев навкарлари келар маҳал бошладингиз.

-- Бойлик қизиқтирмайди мени, опажон, яхши кўрмасам нима қилай... нима қилай?!

-- Буни тўйгача ўйлаш керак эди. Шунда, ёрилдингиз.

-- Мен бошқани яхши кўраман, у ҳам мени яхши кўради. Тўй куни йиғлаб кетди. Ўша билан яшайман, кетаман.

Бирдан Ҳабибнинг онаси кўз олдимга келди. Соддагина аёл қуйиб, ёниб сўзларди.

-- Фол кўрсатсамми болам, чиласининг ичида биров бир нарса қилдими? Эшон бувага борайми, иссиқ-совуқ қилиб беради.

Ҳабибнинг отаси айтди:

-- Кетишга шошилманг қизим, сабр қилинг яна. Ҳеч бўлмаса икки кун. Ҳамма ҳавас қиладиган жуфт бўлиб, бу кунларни кулишиб эслайсизлар ҳали...

Эҳ, соддагина она, оқ кўнгил, виждони пок ота...

Суйганингиз бор экан, нега яна бировга ваъда бердингиз. Бир оиланинг яхши кунга деб йиққанини еларга совурдингиз? Бир текдоман йигитнинг орзуларига оёқ қўйдингиз? Кўнглингиз йўқ экан, нега?..

Сиз кетдингиз. Ҳабиб олиб берган бошингиздаги дўппини ечаётганингизда, онаси:

-- Қўйинг болам, бош кийим давлат? дейдилар. Ечманг, -- дедилар. Сиз бепарво яна кийдингиз. Ҳабиб олиб берган оёғингиздаги туфлини ҳам ташлаб кетишингизни Ҳабибнинг ўзи ис-тамади.

-- Майли кийиб юрган эдилар, кийиб кетаверсинлар.

Онангиз ҳам қон йиғладилар.

-- Элу-юрт олдида шарманда бўлдим.

75 ёшли момонгиз ҳали-ҳануз ишонмайди. Тушимми бу, деб.

-- Бундайин кўрмагандим, юзим шувут бўлди...

Дилором Ҳабибнинг бахти олдинда. Лекин Сизни, чимилдикни хор қилган қизни ўша суйганингиз, бизнинг Ҳабибдан ҳам ортиқ кўрганингиз хотинликка қабул қилармикан?

Менинг кўз ўнгимда чимилдик, ер билан битта бўлиб ётган, лов-лов ёнаётган, қалбни ёндираётган чимилдик...

Чимилдик, хор бўлган ўша кун,

Чимилдик зор бўлган ўшал тун.

Дунёлар тор бўлди ўша кун,

Сочлари дор бўлди ўшал тун.

Кийганингиз оппоқ-оқмиди,

Хаёлда, У... кўча боғмиди?

Шунданмиди қалбда доғ эди,

Юракдаги нима? Зоғмиди?

Чимилдик, тоғ бўлмади шундан,

Чимилдик чим бўлмади шундан.

Ғийбат ва кин, ҳиёнат устун,

Алёр эмас, гурлади тутун.

Чимилдик зўр сеп эди асли,

Бешикка зўр зеб эди асли.

Яна не дей сизга ой юзли,

Ой юзлими ёки доғ юзли.

Майли бўлинг энди бир сўзли,

Чимилдикни хор айлаган қиз,

Чимилдикни зор айлаган -- Сиз...

Комила КАРОМОВА,
Қашқадарё



Туканак

ЎФИЛ — ҚИЗГА АЙТАР СЎЗ...

Ота-она "Фарзандим қариб, кучдан қолганимда белимга мадор, билагимга қувват бўлармикан" - дея умид қилади. Ўғил-қизи қобили қомил, покдомон ва чинакам меҳнат соҳиби бўлса хўп-хўп... Бўлмасачи... Атрофингизга қаранг: қанчадан қанча норғул йигит ва қизлар. Уларнинг кийиниши, юриштириши, муомаласига разм соларкансиз, ўйланасиз. Қай бирлари ота-оналари орзусидаги кишилар, қай бирлари эса аксинча, юзни шувут, кадр-қимматни оёқ ости қилгувчилар. Бир қарашда ажрати олиш қийин. Вақт ҳакам, лойқа сув тингандагина остида нима борлиги кўринади. Қуйида эълон қилинаётган воқеалар "қаҳрамон"лари билан танишган чоғингизда "тавба" дея ёқа ушлашингиз мумкин.

ҚЎЛИ - ОЛТИ, ОЎФИ ЕТТИ ЭДИ

Рустамбойнинг бирдан молу мулкли бўлиб қолишини ота-онаю, қавму қариндошлар тушларида кўрмаган бўлсалар ажабмас.

Йигит айна 23 ёшда. Тенгқурлари далада ё бирон қорхонада ишлаб, халқимизга фойда келтираётган бир пайтда унинг чакки юганини қаранг. Ёлчители бирон жойда ишламайди. Илгарилари қинғир қилмиши учун жазосини олганди ҳам. Ақли кириб қолгандир, деб ўйлашганди. Йўқ, инсоф бермаса қийин экан-да!

Ишламайдиган одамнинг вақтичоғлиги учун пул керак. Пул эса кўчада сочилиб ётмайди. Ё бировнинг уйида, ё қиссасида. Нима қилиш керак? Ҳа, шунга ҳам бош қотирмами!

Тушмагур Рустам Собиров Зафаробод туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги, Байналмилал кўчаси, 5-уйда яшаб зериқди. Қўли чўнтақдаю, ҳаёли пул дардида Пахтакор шаҳрига йўл олди. Шаҳарчанинг ўзига хос кўчалари, хонадонлари, ишга эрта кетиб, кеч қайтувчи аҳолиси бор. Шуларни яхши билган Рустам ўзини у ёққа урди, бу ёққа... Хуллас Мустақиллик кўчасидаги 8- "А" уйининг 8-хонадонидан дарак топди. Бу хона фуқаро Шерзод Уматовга тегишли эканлигини, шу пайтда эгаси уйида йўқлигидан дарак ҳам топди. Бу вақт кундузги соат ўн икки ярим. Дили эгрининг қилмиши ҳам шу: Рустам таваккал деб ўтирмади. Деразадан ошиб ичкарига кирди. Бировнинг пешона тери билан топган моли ўғрининг белини оғритмас экан. Рустамона йигит бир ўмаришда Шерзодга тегишли жами 82850 сўмлик мол-мулкни кўтарди-кетди. Шу тобда у "қўли-олти, оёғи етти" бўлиб жуфтани рўстлаган бўлса ажабмас. Аммо, ҳар қандай нопокликнинг тўрпардаси йиртилмай қолмайди. Қинғир ишга "ҳавас" қилиб юрган айрим йигитчалар Рустам тақдирдан ўзларига ҳулоса чиқариб олсалар чакки бўлмасди. Чунки, Рустам Собиров Пахтакор тумани судининг ҳукми билан 9 йилга "қулоғини ушлаб" кетди.

"ҚИЁ-ҚИЁ"ДЕМАЙ ЎЛАЙ..."

Ётавба! Пул ишлашнинг ҳам шунақа йўли бўларкан. Шундоққина йўл ёқасидаги ўриндикда pista чақиб ўтирган, ёши

чамаси ўттизлардан сал ошган, хушрўйгина жувон ўтган-кетганлардан кўзини узмайди. Жамалак соч, қаламқошу қарашлари шўх. Сузилади. Ҳай-ҳай-ҳай, ўтган-кетган йигитларни бунча чалғитмас.

Шу пайт бир йигит келиб қуюққина сўрашди:

-- Қалайсиз, Ноилахон, лўмбиллабгина юрибсизми?

-- "Қушча"лар муборак! - ишшаяди Ноила ҳам. Сўнг сал нарида турган қизга ишора қилди. -- Иси шарифлари нимади, Йўлдошвой ака?

-- Ши-рин! -- дейди йигит ҳам. Гап-гапга уланди, диллар бойланди.

-- Жой керагиди... Кўпамас, бир соатга... Ширинхон кутиб қолмасинлар...

-- Ие, омон бўлсинлар... сиз учун биз... ҳалигиндай-а... -- сохта қовоқ уйди Ноила. -- Олдин ақчасидан гаплашайлик... кейин муддао...

-- Иш битсин...

-- Э, йўқ, қуруқ қошиқ оғиз йиртади. Қани, бу ёққа юрсинларчи... улар мулошидан бурилиб, шаҳарнинг Улуғбек кўчаси, 40-уй олдида тўхташди.

-- 300 сўм бўлади, - деди дангал жувон. -- Қани, бўла қолинг. Жойимнинг эгаси кўп. Бошқалар ҳам одам.

Келишилди. Айтилган ақча қўлдан-қўлга ўтди. Миқозлар уйининг 3-хонасига кириб кетишди.

Мазкур сатрларни ўқийтган муштарий хайрон ҳам бўлмасин, лол ҳам қолмасин. Ноила деганимиз асли Чирчиқдан. Пахтакор шаҳрида яшайди. Ҳеч қаерда ишламай, юқорида айтилганидек, ахлоқсиз ёш-яланглари "ҳожат"ини чиқариб туради. Лекин ҳар нарсанинг чеку-чегараси бор. Ноила Динасилова кўшмачилиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳозир у жазони ўтар экан, "кўзларимни қиё-қиёламай, мен ўлай", - дея афсус қилаётган бўлса ажабмас.

ҲОРМАНГ ЭНДИ...

"Эр киши ер сотмайди. Ер сотган эр бўлмайди". Ойбек домланинг бу гаплари мағзини чорикор Йўлчибой ("Қутлуг қон") хўп чакқандиру, аммо замондошимиз Ўролбой Каримов чакмаган кўринади. Йўқса, қонунга хилоф иш қилармиди?

Қунарларнинг бирида унинг ҳузурига Шавкат Эсонов деган деҳқон келиб қолди.

-- Хў-ўш, кел-син-лар, - деди салмоқлиб Ўролбой.

-- Хизмат?!

-- Ака, ер берсангиз дегандим.

-- Ер?

-- Ҳа, pista экмоқийдим. Шунга...

-- Писта экман, денг...

-- Ҳа, шунақа режам бор...

-- Яхши... яхши... - чайналди Ўролбой. -- Аммо ер дегани пул туради. Эшитмаганмисиз?

-- Йўқ, энди...

-- Бўлмаса, гап бундай. Томорқа сифатида икки гектар ер беришим мумкин. Эвазига сиз бизга 24 минг сўм берасиз.

Шавкат "пулни ҳосил пишганда берсам" демоқчи эди, "номер"и ўтмади. Тортишишди, савдолашишди. Хуллас, ер деҳқонга берилдими, сотилди. 24 мингга! Аммо, ер сотган эр бўлмайди, деганларича бор экан. Кўп ўтмай давлат ерини таркана қилган Ўролбой Каримовнинг сир фаш бўлди. Бу гап Пахтакор туманидаги "Навбахор" деҳқон-фермер хўжалигидан прокуратурага, ундан судга етиб келди. Оқибати эса маълум... Ер сотган Ўролбойнинг мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилга "дам олиш"га кетди.

Воқеаларни сўзлаб берувчи:

Одилжон УМРЗОҚОВ,

Пахтакор тумани прокурори

катта ёрдамчиси

Қоғозга кўчирувчи:

Нурилла АЛИМОВ

-- Ҳали қалдирғоч келмади-а?
-- Келмади,
-- Ҳали ялпиз кўринмади?
-- Йўқ, озгина бор-да.
-- Бувижон, кўйлақчан юрсам бўладими-а?
-- Ҳали изғирин бор, болам.
-- Қаранг, офтоб чарақлаб ётибдию...

-- Бу офтоб эшак ўлдирадиган офтоб, унга ишонма. Февраль ойи тугагани йўқ.

Нойлож сумкамни елкамга ортиб мактабга отланаман. Йўлда кетаётиб ўзимча "уф" тортиб ўйлаб кетаман. Нега катталар сезмайди-я. Ахир, баҳор келиб бўлганув. Февраль бўлса нима қипти...

Мактабга етиб борган заҳоти дўғоналарим билан усти-бошларимизни енгиллатамиз-да, мактаб ҳовлисига шошиламиз. Атай вақтли келганмиз. Дарс бошланишига бир соат бор.

-- Муяссар, ланка тепамизми, "жамбил" ўйнаймизми?

-- Мен янги ланка ясаб келдим. Комиланикидана чиройли.

-- Қани ўйнаб кўрайлик-чи.

-- Қизлар, яхшиси "ўлди-ўлди" ўйнайлик. Мен ўртага туриб бераман. Укамнинг тўпини олиб келганман.

-- Йўқ, сен билан ўйнамаймиз. Ўзинг кеча бошқа маҳалланинг қизлари билан дўстлашволиб бизга қарамадинг. Тўпинг ўзингга буюрсин, бўптими?

-- Ўйнамасанг ўйнама, ўлиб қолганим йўқ.

-- Ростдан кеча ўйинга кўшмадимми?

-- Ҳа. Кейин биз ўзимиз "Чигал" ўйнадик. Бойкўчадаги ариқ бору,

Ибодат холам шу кундан бошлаб буғдой ундир бошлайдилар.

Мазза-мазза кимга мазза? Биз "ўйинқароқлар"га-да!

Катталар қанчалар кўп байрам қилишса, биз ҳам шунча кўп яйраймиз.

"Сумалак" пишадиган ҳовли танланганидан сўнг, ҳамма маҳалладагилар ўша жойга йиғилади. Ўтин териб бўлганимиздан сўнг, кўчаларни айланиб, "сумалак тош" терамиз. Энг чиройлиларини барибир



Бўларингдан қучай, болалик...

ЎЙИНҚАРОҚЛАР

ўшанинг қирғоғида "қовун ўғри" ўйнадик. Кейин Салималарникига бориб "опой-опой" ўйнадик. "Дўхтир-дўхтир" ўйнамоқчийдик, дўхтир холамнинг "шприц"ини тополмадик. Яшириб қўйган экан.

Қўнғироқ жаранглаб ўйинимизнинг "белига тепади".

-- Катта танаффусда бошқатдан ўйнаймиз-а.

-- Гирромлик қилма. Яна давом эттирамиз. Орқада қолпсанда.

Чуғир-чуғир қилиб ҳамма ўзининг синфхонасига югради.

Катта танаффус ҳам ўтиб дарслар поёнига етгач, уй томонга йўл оламиз.

-- Қизлар, қизлар, "чалпак" бошланибди, қаранглар.

Узоқдан тол тағидаги қозон ва унинг атрофида тўпланган хотин-халаж кўринади. Ҳаммамиз суюниб кетамиз. Бу баҳорнинг биринчи нишонаси, ахир.

Тол тағига яқинлашганимизда бир аёл йўлимизни тўсади: "Айланай, ширин қизларимдан. Қани, ҳақларингизни олиб кетинглар-чи. Ким "5" олди бугун. Биринчи бўлиб ўша қизга бераман чалпакни".

Ўзимизча уялганнамо турган бўлсак-да, ҳар биримиз тол новдаларига суқиб қўйилган кип-қизариб пишган иссиққина чалпакни биринчи бўлиб олгимиз келади.

Холамиз ҳар биримизга биттадан улашар экан, йўлдан мотоциклда бир киши ўтиб қолди. Унинг ҳам йўлини тўсиб, йўлтўсар холаларимиз чалпак тутқазилади. Удуми шунақа-да...

Қозон бошида ўтирган момоларимиз ҳар бир ўткинчининг умрини ва ризку насибасини тилаб дуо қиладилар. "Янаги йил шу пайтларда ҳам эсон-омон кўришайлик" деб ният қиладилар.

Уйга ҳовлиқиб келаман-да, онамга тушинтира бошлайман.

-- Айтдим-ку, сизга баҳор келди деб. Уч кўчалар бугун "чалпак" қилишибди. Роса ширин бўпти. Биз қачон қиламиз, ахир! Сиз бўлса қалдирғоч келмади дейсиз.

Мен тутқазган чалпакдан буюм ҳам, энам ҳам ният қилиб ушатадилар. Ўзлари ҳам кўни-қўшнига хабар қилиб "чалпак" ташвишига тушиб қоладилар. Унинг ташвиши баҳонасида "сумалак" ташвиши ҳам битади.

Ўзимизга "дўптош" қилиб опқўямиз. Ҳадемай ер қизиб қумлоқларимиз исиб қолса, оёғимизни узатиб ўтириб оламиз-да, "дўптош" ўйин бошлаймиз.

**Яламақозон бир,
Яламақозон икки,
Яламақозон уч,
Учлари-пучлари.**

Дошқозонда сумалак ёнғоқдай-ёнғоқдай қайнай бошлаганида эса анчагина кеч тушиб қолган бўлади.

Ана шу пайтда, "яшин-пишток" ўйнасанг зўр бўлади-да. Кўзини беркитиб турган боланинг онасининг орқасига туриб олсанг сени ҳечам кўрмайди. Иш буюриб қолмасин деб онасининг ёнига келмайди-да.

Сумалакка бироз ранг киргач хотинларнинг кўнгли жойига тушиб чилдирмани қиздира бошлайдилар. Зулфия холамнинг овозини эшитмабсиз, дунёга келмабсиз. У лапар айтганда маҳалламизнинг энг уятчанг келинлариям ўйинга тушиб кетади.

Биз болалар-ку биров мажбурламасаям ўйин тушавериб чарчаймиз.

...Қачон базм тугаб, қачон уҳлаб қолганимни ўзим билмайман. Кўзимни очсам уйимиз эмас, тепамда Манзура қошиқ ялаб турибди. Менам шошилиб қолдим. Қозоннинг четидаги сумалакнинг "қириндиси" жуда ширин бўлади-да. Яна "ўйинлар"имиз бошланиб сумалак қиёмига етиб пишгунча давом этади.

Сумалакни тарқатадиган фурсат етгач эса отинойимиз дуо қилиб ҳаммамизнинг идишимизга тегишимизни бўлиб берадилар.

Одатда ҳар биримизнинг онамиз бир неча марта чақирганидан кейин зўрға уйга қирардик. Бу сафар эса ҳаммамиз ўша эски кўшиғимизни чала-чулла айтиб уй-уйимизга шошиламиз:

**Уй-уйига,
Тепа тўйига,
Уйи йўқлар
Толнинг тағига.
Мен кетдим,
Кетмадингми?
Уйга етдим
Етмадингми?
Етмай қол,
Ўйнаб ол.**

М. ШЕРМУҲАММАД қизи



Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Абдулла Қодирий "Меҳробдан чаён" асарида таърифлаган Зокир-тов қизиқ эмас... балки...

Утган йили "Қамолот" жамғармаси томонидан ўтказилган "Қизиқчи - 97" танловини галибларидан бири Зокир қизиқ ОЧИЛДИЕВ бўлади. Гавласига ишонгани учунми, буйи баланд йигитман деб қарилади, тоғонини даста туширганидан кейин урта буйли эканлиги маълум бўлиб қолади. Қиёфасига эса суварини қуриб узингиз баҳо берарсиз.

Театр ва рассомчилик институтини 1992 йилда бипиргач, Самарқанд Давлат театрида актёр бўлиб ишлаб боплаган. Актёрликдан қура барибир "қизиқчилик" қизиқроқ қуринавергач, "Ортиқ - Зокиров" қизиқчилар театрини ташкил қилишга мажбур бўлган. Сухбатдошини қулдириб қуйиб, узи қовоқ уйиб утираверадиган феълини ҳисобга олмаса, яна бир яхши томони суҳбатни ҳам ҳаммаша узи бошлар экан.

Қизиқчилик ҳунар. Лекин бу ҳунарни ҳеч қимга ургатиб бўлмайди. Узида йўқ одамга минг ургатганингиз, уқитганингиз билан қасосчиликдан бошқасига ярамайди.

Ургатиб бўлмагани туғрику-я. Лекин "Устоз қурмаган шогирд ҳар мақомга йургалар" деганига нима дейсиз?

Устоз ҳақида гапирадиган бўлсак, эсимни танибманки, раҳматли Рустам Ҳамроқуловни эшитиб катта бўлганман. У кишининг узлари билан бир марта учрашолмай долга қолганман-да. Рустамкани гойибона устоз сайлаб, этакларидан тутганман. Угиллари Самандар Ҳамроқулов ва укалари Алишер Ҳамроқуловлар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб тураман. Рустамкани тушунганим менга ёққан томони шуки, унда умуман зурма-зурчилик ва бачканалик учрамайди. Шу қалар завқ билан, тиниқ айтилади, ҳар сафар эшитганда мазза қилаверарсиз.

Институтга кириш имтиҳонидан ҳам у киши айтган "Матмусанинг дутори" билан утганман. Рустамка айтганда қилиб оҳанглариини жой-жойига қуйиб: "Матмуса қуй сотгани шаҳарга келиб қолди" - деб бошлаб, шунақа завқим келиб айтганманки, домларар қайта-қайта айтиришган.

Айниқса, мана бу жойини Рустам ака жуда бошқача қилиб айтганларда: "Хо-ти-ин... аҳ-аҳ-аҳ, қуриб қуй, манавини дутор

лейди. Манави богични парда, мановишнито-о-ор, дейди. Бу - ҳар-рак, яъни эш-шак боладур. Шаҳарлик бунин бундай бундай қилиб чаладур".

Адабиёт уқитувчимиз Санъатхон опа Бақоева ҳам санъатта жуда иштиқоманд эдилар. Дусамат ака Хусанов деган санъатсевар ҳамқишлоғимиз эса туйларда: "Ана шу бола зур айтиди-да. Яна бир айтиб берсин" деб меникуп давраларга тортарди.

Мен яна бир инсонни айтиб утишни истардим. Самарқанд Давлат университети "Қамолот" жамғармаси бўлимининг бошлиғи Салоҳиддин Давронов менга репертуар масаласида кўп маслаҳат ва ёрдам бериб туради.

Машҳур қизиқчилардан Эргаш Каримов, Обид Асмов, Ҳожибой Тожибоев, Мирза Ҳолмедов, Абдулла Акбаровларни устоз деб билиб, ҳар бирининг маъқул томонларидан урнат олишга ҳаракат қиламан.

Қизиқчи ганини даврага қараб айтиди-ми ёки...

У ёғини тушундим. Профессорнал қизиқчи бир

ХОТИНИНИ МАҚТАГАН ЭРКАКМИ...

қарагандаёқ давранинг руҳиятини сезди. Даврада кўпроқ қимлар утирганига эътибор бериб, гапни узларингизга уйлаб турган, қизиқадиган фикрларидан бошласангиз бўлди. У ёғига қаерга бошласангиз кетаверишди. Яна бир "импривизация" деган нарсаси бор. Бу тасодифий воқеаларга яраша жавоб дегани.

Бир учрашувда берилиб аския айтган эдим, чунки одамлар мазза қилиб қулишадиган эди-да. Лекин биттасининг кайфи тароқ экан. Задан туриб бирдан бақириб қолса бўлади: "Эй, ока, уйингизнинг йўқми, уйингиз" - деб. Ҳамма унга қараб жим бўлиб қолди.

Мана шу вазиятни узоғи билан бир минут ичида саклаб қолсангиз, тамом. Шундай пайтда одамнинг мияси мингта кучага кириб ҳолатга мос жавоб излайди. Аниқ эсимда икки секунд ичида жавоб топдим: "Окажон, сиз шу ерда экансиз, уйингиз сиз келавердингиз". Хайриятки ҳаммаси жойига тушиб кетди.

Тақдирчилик борасида қалайсиз?

Менга кўпроқ шухрат келтирган усул тақдирчилик бўлди.

Менимча, сиз латифаларингиз ҳам яхши айтасиз...

Гапнингиз тупта-туғри (ҳазил). Танловда 7 минут вақт беришди. Тақдирчилик вақтини кам олади. Одамларда тез қулу қузағайди. Лекин

"Туркистон" меҳмонхонаси

тақдир борасида баъзан йиллаб ишлашга туғри келади. Баъзилар борки, тақдирни туғри тушунмайди. Тақдир қилган одамнинг бориб: "Сени тоза аҳмоқ қилишди. Индамайсанми?" - деб тиж-тижлашади.

Бу умуман нотуғри нарсаси. Масалан мен диктор Мирзохид Раҳимов ва шоира Бибибора Туроповларни яхши қурганим учун уларнинг ҳурмати ошириш мақсадида тақдир қилганман.

Қизиқчи кўпроқ нимага эътибор бериши керак деб ўйлайсиз?

Баъзи қизиқчиларимиз қулунигиз орқасидан кетиб қоладилар. Бемаза гапларга қулайдиган одамлар бўлади. Қулаверар экан деб чегарадан чиқиб кетмаслик керак. Қизиқчилик майнавозчилик эмас-да, ахир. Қизиқчи одамларнинг дардини, муомалаларини қулиб туриб шундай айтиши керакки, йиллаб айтгандай таъсир қилсин бошқаларга. Ушандагина у томошабинни

орқасидан эргаштира олади.

Худо хоҳласа келажакда машҳур қизиқчи бўласиз. Одамлар ҳаммаша машҳур инсонларнинг оиласига қизиқшади.

Битта қизим, битта уғлим ва битта хотиним бор, ҳозирча. Гапнинг энг зурларини ушалардан урганаман.

Сизга "оила варақаси"дан бир савол. Келиноийини сизга ким таништирган?

Ота-онам: "Уғлимиз артис бўладиган одам бўлгандан кейин, хотини ҳам узи Тошкентдан етаклаб келади" деб ўйлашган экану, узимга айтишмаган экан. Айтишганида етаклаб борардим. Мен ҳам уларга ишониб юраверибман. Уйланадиган маҳалим бўлганидан кейин синглимнинг "виниткаси"дан қиз танлаганман.

Анхорнинг бир чеккасидан янгам, бир чеккасидан бир чамалон пул оқиб келаяпти. Кайси бирини биринчи бўлиб қутқарар эдингиз?

Пул қўнми.

Тў-ла!

Унда мен қирғоқда туриб бақирган бўлардим: "Хотин, чамолани олмасдан чикма-а!" деб.

Бу ёғи қизиқ бўлди-ю! Айтаялик, ўрмонда кетаётган эдингиз. Йулбарс янгамга ташланиб қолди... Ёрдам берасизми?

Йу-ук!

— Ие, нима учун?

Йулбарс узи ташландими, хотинимдан узи қочиб қутилсин-да.

Намунача энди янгамдан ноллиб қолдингиз. Газетамизни ўқиб қолсалар нима бўлади?

Ажаб бўлади. Ҳазил-хузулу, мен битта гапга амал қиламан. "Чала аҳмоқ узини мақтайди, тула аҳмоқ хотинини". Эрини ёмонлаган аёл билан хотинини мақтаган эркакни ёмон қураман.

Зокир ака, қизиқчи одам ҳам хафа бўладими?

Э, қизиқчимисиз? Нима, у одам эмасми? Хафа бўлишни билимаган одам қулдиришни эплайдими? Лекин, ана шунақа ҳолатлардан ҳар қим ҳар хил чиқиб кетади. Мен - сал хафа бўлсам "Тушимда курсам эди-и" деб хиргойи қила бошлайман. Келиноийингиз сезиб қолиб, Юлдуз Усмонованинг ёки Ахрор Усмоновнинг касбасини айлантира бошлайди. Агар жуда қаттиқ ранжиган бўлсам уларни ҳам эшитмасдан "қаттиқроқ" "Тушимда курсам эди-и" деб қуйлай бошлайман. Албатта келиноийингиз: "Ҳа, даласи, тинчликми, кимни?" деб сурайдилар. Шу баҳона бўладию келиноийингиз Зилолабонуни, Райхона қизиму Рустамжонни уйдан ҳайлаб юбориб, бир узим қулбола паловхонтура тайёрлайман. Кейин меҳмонга чақираман.

Кимми?

Келиноийингиз билан жияларингизини-да...

Хайрият, охири яхшилик билан тугар экан.

Дарвоқе, гап қизиб кетиб, сизни қизиқчилар байрами билан табриклаш ёлмидан қутарилибди.

Менимча, бу қизиқчиларнинг эмас, ёлгончиларнинг байрами.

Унда ёлгонга қалайсиз?

Мен-ку тузуккина гапирарман. Журналистлар ҳам қолишмайди деб эшитганман. Бир лофдан оламизми?

Майли.

Биз Самарқандда шунақа бир газета чиқармоқчимизки, унинг ҳажми 4 қават қилиб бўкланганда катта бир туйхонанинг устини ёпар экан.

Қараинг-а. "Туркистон" газетасининг 1 апрель сонининг бир варағига тенг келар экан-да...

Ҳа, майли, сиз айтганча була қолсин. Чунки, уша сониди мен ҳақимда ёзасизда...

Мухтасар
ТОЖИМАМАНОВА

ФУТБОЛ БАҲОРИ БОШЛАНДИ...

Куни кеча республика биринчилиги олий табақа жамоалари навбатдаги тур учрашувини ўтказдилар. Чемпионат пешқадамлари бўлган жамоаларнинг барчаси бу сафар "меҳмон бўлиб" майдонга тушдилар. Қутилмаган натижаларга бой бўлган мазкур тур бу йилги биринчилик низога қизиқарли ва муросасиз ўтишдан далolat бермоқда.

Авалло, утган йилги чемпионимиз МХСК жамоаси ҳақида. Ҳарбийларимиз III турда олий табақанинг янги вақили бўлган "Металлург" билан учрашди. Бекободнинг шамоли "уз томонига" эсан қуринади: чемпион жамоа металлургчиларнинг учта тупига атиги битта жавоб қайтара олдилар холос. Афтидан, ҳарбийларимиз VIII миллий чемпионатни биринчи табақанинг бошидан бошлашга ният қилган қуринади...

Учинчи марказий шубҳасиз, футбол мириқиб қилдилар.

"Бухоро" жамоаси мамлакатимизнинг турт қарра чемпиони, машҳур ва мағрур "Нефтичи"га қарши туп сурди. Гарчи уйин фарғоналик меҳмонлар устунлигида кечса-да, мезбонлар мураббийи С. Каминский танлаган услуб узини оқлади. Шу кун тажрибали мураббий Юрий Саркисян уз шогирдларидан қаттиқ ранжигани аниқ. Умидли ёшлардан бири бўлган Умид Исоқов биринчи бўлимдаёқ 4-5 марта Нурилло Ҳабибов қуриқлаётган дарвозани ишғол қилиб, уз жамоасини олдинга олиб чиқиши мумкин эди, бироқ бироз тажриба етишмай қолди.

"Пахтакор" жамоаси Косонсой шаҳрида маҳаллий "Косонсой" билан учрашди. 1:2 ҳисобида қийинчилик билан муваффақият қозониб, муҳим 3 очкони қўлга киритди. Меҳмонлардан тупни маҳоратли Миржалол Қосимов киритди.

Иккинчи турда тошкентлик ҳарбийлар устидан 0:2 ҳисобида устун келган Навоийнинг "Зарафшон" жамоаси бу сафар Наманганнинг "Навбахор"ини қабул қилди. Кескин курашлар остида утган бу учрашувда меҳмонлар турт бора зафар қучган бўлса, мезбонлар "Навбахор" дарвозасига бу йилги мавсумидида биринчи тупни киритганидан мамнун эдилар. Мазкур йирик (1:4) галабадан сунг, наманганликлар 9 очко билан якка пешқадам бўлиб олишди.

Термиз шаҳрида "Сурхон" ва Тошкент вилоятининг "Дустлик" жамоалари ўртасидаги учрашув ҳам низога кескин курашлар остида ўтди. Бу йил уз сафини тажрибали уйинчилар билан тулдирган "Сурхон" жамоаси I-турда уз майдонида "Нефтичи"га, 2-турда эса Тошкентнинг "Трактор"ига 0:3 ва 1:2 ҳисобида бой бергани боис, бу сафар фақат галаба ниятида туп сурди. "Дустлик" 2-турда уз майдонида "Хоразм" билан дуранг уйнагани учун унга ҳам мазкур учрашувдаги галаба низога зарур эди. Бироқ, бу сафар меҳмонларнинг қули баланд келди: 2:1.

Хоразмда учрашган "Хоразм" ва "Насаф" жамоалари дарвозаларига иккитадан туп киритиб, иккиси ҳам иккинчи дурангларига эришдилар.

Андижонлик футбол мухлислари 28 мартни анчагача унутмасликларини аниқ. VII миллий чемпионатининг совринларидан бирига астойдил "қуз тиккан" "Андижон" жамоаси Қўқонда "Темирийўлчи"нинг меҳмони бўлиб, бир эмас, икки эмас, нақ олти (!) жавобсиз туп киритиб, ишқибозлар орасида анча-мунча "шов-шув" қутардилар. Бу йирик галабадан сунг "Андижон" турнир жадвалида иккинчи уринини банд қилди. Жадвалга назар ташлаб, бир йўла олти жамоанинг очкоси олтига етганини қураимиз ва бу IV турнинг ҳам кескин курашлар остида ўтишини таъминлайди, дейиш мумкин. Яна бир қизиқарли далил биринчи турда дарвозага 10 та туп киритилган бўлса, иккинчи турда дарвозабонлар 20 марта "орқаларига қарашга" мажбур бўлдилар. Учинчи турда футбол майдонлари узра ишқибозларнинг "го-о-о-о-о-о!" дея ҳайқиринлари 30 марта янгради. Туртинчи турда бу курсаткич 40 тага етса, ажабланманг.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ЁШИ АДИБЛАРИНИ ЧОРАЛАЙДИ

Маълумки, "Туркистон" газетаси таҳририяти қошида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукр Холмирзаевнинг ёш носирлар мактаби иш бошлаган эди. Таниқли адиб навбатдаги машғулотиини 1 апрель, чоршанба куни соат 15.00 да "Туркистон" таҳририятида (Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй, 508-хона) ўтказди.

Машғулотда ёш носирлар асарлари таҳлил этилади. Шунинг билан бирга "Санъат санъат учунми?" мавзусида баҳсу мунозаралар юритилади.

Барча ёш носирлар ва адабиёт ихлосмандларини Шукр Холмирзаев машғулотларига тақлиф этамиз.

"Туркистон"чилар

"НАФОСАТ"ДА УЧРАШАМИЗ

"Туркистон" газетаси таҳририяти қошида ёш санъат мухлисларининг "Нафосат" клуби ташкил этилди. ТошДУ профессори Ҳамидулла Акбаров раҳбарлик қиладиган бу машғулотга санъат сирларини билмоқчи бўлган, бу ҳақда мақолалар ёзини

истагидаги ёшлар тақлиф этилади.

Дастлабки гурунг "Туркистон" таҳририятида (Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй, 508-хона) 2 апрель соат 15.00 да ўтказилади. У янги, икки серияли "Уткан кунлар" бадиий фильми ижодкорлари билан учрашув ҳамда шу асар муҳокамасига бағишланади.

Зойир Эгамов номига берилган № 217820 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сергели тумани ҳокимлиги томонидан 10. XI. 97 йилда Тоир Хусанбоев номига берилган қайд гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзо Улутбек туманидаги Ўзбекистон - Ҳинд "Помир - Халишод" қушма корхонаси тугатилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАРИНИНГ
«ҚАМОЛОТ»
ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир:
Назозат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабул қилиш — 136-56-58, 133-95-97;
хатлар бўлими — 136-54-64;
тижорат бўлими — 133-79-69;
ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64;
спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими
— 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назаридан фарқланиши
мумкин.

Дизайн устаси: С. ФАЙЗУЛЛАЕВ